O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 11 август шанба
Сотувда эркин нархда
№ 157 (2719)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Олий Мажлис сессияси олдидан

МАТБУОТЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Парламентда шундай анъанага асос солинди

Аввал хабар қилинганидек, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси эълон қилинганидан сўнг Олий Мажлис Кенгаши қарори билан Парламентнинг навбатдаги олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилган, ана шу гуруҳ таркибида яна учта кичик гуруҳ ташкил этилган эди. Иккинчи кичик гуруҳ зиммасига сессия билан боғлиқ масалаларни оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этиш вазифаси юклатилганди.

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ва ана шу қўмита томонидан сессия кун тартибига киритилаётган масалаларга бевосита дахлдор бўлган ташкилот ҳамда идораларнинг вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманини ушбу кичик гуруҳнинг янги ташаббуси, деб аташ мумкин. Янги дейилаётганининг сабаби шундаки, айни пайтгача Парламентимиз фаолиятида бундай ҳолат кузатилмаган эди. Матбуот анжуманини олиб борган Олий Мажлиснинг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси, Парламент котибиятининг матбуот ва таржималар бўлими мудири Миракмал Миролимовнинг айтишича, бундай матбуот конференциялари Олий Мажлис таркибидаги барча қўмита ва комиссияларда ўтказилиши мўлжалланмоқда. Ва у анъанага айланиб қолса ҳам ажаб эмас.

Матбуот анжуманида дастлаб Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадов йиғилганларга қўмитанинг ўтган ўн йиллик фаолияти ҳақида қисқача ахборот берди. Маълумотларга қараганда, қўмита томонидан иқтисодиётимизнинг асосларини белгилайдиган, ҳам моҳият, ҳам ҳажм жиҳатидан муҳим ва йирик 20 га яқин қонун лойиҳалари тайёрланган. Буларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: пул-кредит, бюджет ва солиқ, қимматли қоғозлар ва биржалар. Қўмита раиси ана шундай туркумдаги ҳужжатлар орасидан «Марказий банк тўғрисида»ги қонунга алоҳида урғу берди. Унинг айтишича, мазкур қонун жаҳон андозалари даражасига мос келиши баробарида ўзига хос хусусият ҳамда тартибга ҳам эга. Масалан, кўплаб мамлакатларда Марказий банк ижроия ҳокимияти олдида ҳисобот беради. Бизда эса Марказий банк Парламент олдида ҳисобдордир. «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонун эса банклар фаолиятини эркинлаштириш учун асос бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

«Солиқ кодекси»дай зарур ва йирик ҳажмли ҳужжат МДҲда биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда қабул қилинганини кўпчилик билмаса керак. Қўмита Олий Мажлисга солиқ тизимини такомиллаштириш тўғрисида қатор таклифларни киритди. Айни пайтда мулкдорларнинг янги, ўрта қатлами қарор топишига, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмак берувчи солиқ тизими шакллантирилди. Бундан ташқари, даромад солиғи йил сайин камайиб борди. Агар 1999 йил 33 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилдан бошлаб 26 фоиз миқдорида белгиланди. Солиқ юки ишлаб чиқарувчидан истеъмолчиларга ўтказилмоқда.

Қўмита раиси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун ҳақида алоҳида тўхталди. Мазкур қонун бюджетни шакллантириш жараёнини тартибга солади, унга ҳуқуқий асос яратади. Бизда бу борада муайян тажриба шакилланди. Қолаверса, муваффақиятларимизни ҳам ана шундай омиллардан излаш лозим. Қиёс қилинг. 1990 йилда бюджет камомади 60 фоиздан ошиқ эди. Устига устак кам таъминланган оилалар, янги иш жойлари яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мудофаа ва хавфсизликни сақлаш соҳаларини молиялаштириш бўйича на тажриба, на малакали кадрлар бор эди. Ана шундай муаммолар бугун тўла-тўкис бартараф этилди.

Қўмита раиси, шунингдек, йиғилганларга пул-кредит сиёсати, фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, қўмитанинг назорат фаолияти, халқаро ташкилотлар билан алоқаси, қонун ижодкорлиги ҳамда сессия кун тартибига қўмита томонидан киритилган масалалар хусусида ҳам тўхтали.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари мутасадди идоралар раҳбарларига давлат бюджети ижроси, сессияга тайёргарлик, солиқлар, парламент назорати, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яна қандай қонунлар зарурлиги ҳақидаги саволлар билан мурожаат қилдилар. 40 минутга мўлжалланган матбуот анжумани икки соатга яқин давом этди.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик иншоотлари

Билим кошонаси

Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари қизғин. Жумладан, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида 750 нафар талабага мўлжалланган касб-ҳунар коллежи барпо этилаяпти. 116-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари бу иншоотни Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Суратларда: янги коллеж биносининг умумий кўриниши; уста Нўъмонжон Эрқулов ва унинг шогирди Сайфуддин Комилов мармар сифатини текшириб кўришмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Янги ҳаёт чизгилари

Қишлоқ врачлик пунктлари:

ИЛК ҚАДАМЛАР

Етти ёшли Дилафрўз туни билан иситмалаб чиқди. Аяси Нурхоннинг эса дарди ичида. Ёзнинг жазирамасида қидиришга бало бормиди? Ота-онасининг кўнглига қараб ётиб қолгани нимаси? Қачон тонг отади? Бу ерларда болалар врачи бормикин ўзи?

Ўз қишлоғида бўлганида-чи, муаммо йўқ эди. Олдинги йили Нураккда очилган замонавий қишлоқ врачлик пункти салкам 3 минг нафар аҳолига кечаю кундуз хизмат кўрсатади. Физиотерапия хоналарини айтмайсизми! Икки йилдирки, одамлар оёқ оғриқ, бел оғриқ, қулоқ ва томоқ касалликлари билан туман марказига югуришмайди. Оналар ва болалар учун яратилган шароитни-ку қўяверинг. Тез ёрдам, ҳар хил эмлашлар, турли кўриклан ўтказишлар тўғрисида гап йўқ...

Аммо Нурхон ҳафта бурун она қишлоғи Эгизбулоқда ҳам ажойиб врачлик пункти очилганини эрталаб билди. Умумий амалиёт врачи Сафаргул Ёқубова қизининг барча анализларини ўрганиб, ташхис қўйди. Она-болани алоҳида хонага жойлаштириб, даволай бошлади.

Эгизбулоқ ҚВП туманда фаолият кўрсатаётган бундай шифо масканининг ўн учинчиси. Бундан ташқари, Форишда 8 та касалхона, 5 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 28 та фельдшерлик-доялик пункти ишлаб турибди.

Республика Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонидан сўнг туманда бундай муассасалар қурилишига эътибор кучайди. Жойларда оилавий шифохоналар, айрим турдаги тиббий хизмат кўрсатадиган мутахассислар сони кўпайди. Энг муҳими, тиббий хизматни бевосита аҳоли ўртасига кўчиришга имкон яратилаяпти. Кишилар соғлигини доимий назорат қилиш йўлга қўйилмоқда. Вилоят умумий майдонининг ярмидан кўпроғини эгаллаган тоғли Форишда эса бу жуда муҳим.

Туманнинг «Арнасой», Омонгелди ҳамда Еримбетов номли хўжаликлари марказдан салкам 200 километр узоқликда жойлашган. У ерларга қўшни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан ўтиб борилади. Демак, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор.

Ҳозиргача хўжаликлар аҳолиси учун қишлоқ участка шифохонаси мавжуд эди, холос. Кундузги даволаш, шошилинч хизмат кўрсатиш, аҳоли соғлигини доимий назорат қилиш, турли эмлашлар учун марказдан ёрдам, мутахассислар жалб этиларди.

Йил бошида «Арнасой» хўжалигида замонавий жиҳозланган ҚВП очишга қарор қилинди. Бунинг учун мавжуд амбулатория биноси ҳашар йўли билан қайта таъмирланди. Қўшимча биноллар қурилди. Яқинда пунктга 3 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Хуллас, туманнинг энг узоқ яйловларидаги чўпонлар учун ажабтовур шифо маскани барпо этилди.

— Мамлакатимизнинг чегарага яқин ҳудудларида тиббий хизмат соҳасига қўйиладиган талаб, вазифалар бизга катта масъулият юклайди,— дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Авазхон Бегиев. — Аниқроғи, ходимларимиз доимо ҳушёр, огоҳ бўлишлари керак. Шу боис мазкур ҳудуддаги барча шифохоналарда, барпо этилаётган ҚВПларида ишлаётган тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, уларни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз. Лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Мудир мавжуд шифо масканлари билан доимий алоқа йўқлиги хизмат даражасига салбий таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлади. ҚВП ходимлари билан суҳбатлашсангиз, «Тез ёрдам» машиналари улар учун ҳаётий зарурат эканлигини айтишади. Сабаби, чўлда қишлоқлар бир-биридан олисда. Беморга эса тез ёрдам керак. Кўпгина пунктларда дорихоналар ташкил этилмаган. Бу эса беморларни барибир туман марказига қатнашга мажбур қилаяпти. Дорихоналар йўқлигини жойларда доришунос кадрлар камлиги билан изоҳлашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш – иқтисодий мажмуанинг вазифаси

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъати ҳамда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг қўшма мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банкларининг вилоят бўлимлари раҳбарлари, кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирок этди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги мажлисида сўзлаган "Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови" мавзуидаги нутқидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда иқтисодий тузилмалар олдида турган вазифалар" масаласи муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов маъруза қилди.

Асосий маърузада, шунингдек, адлия вазири А.Полвонзода, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М.Жумагалдиев, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбари М.Собиров, Миллий банк раҳбари З.Мирҳўжаев, "Ўзулгуржибиржасавдо" компанияси раиси М.Миржалилов, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари И.Яковлев ва бошқаларнинг чиқишларида иқтисодий тузилмалар томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожининг қўллаб-қувватланиши ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Металл – бебаҳо бойлик

"Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, корхона ва ташкилотлар, ҳудудий бошқарув органлари, металл хомашёсини тайёрлаш билан шуғулланувчи бошқа муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган мазкур йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда саноат тараққиёти учун қимматбаҳо хомашё — қора ва рангли металл парчаларини кўплаб тўплаш имкони бор. Уларни йиғиб, пешма-пеш металлургия комбинатига жўнатиш ишларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир. Негаки, металл парчалари қайта ишлангач, барча турдаги корхоналар учун, айниқса, қурилиш ва халқ хўжалиги эҳтиёжи учун муҳим хомашёга айланади. Бу маҳсулотлар юртимиздаги барча қурилиш иншоотларини, жумладан, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактабларни бино этишда асқотмоқда.

Айни вақтда жойлардаги корхона ва ташкилотлардан комбинатга шундай хомашё етказиб беришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Навоий, Фарғона вилоятлари ҳамда "Ўзавтосаноат", "Ўзавтойўл", "Ўзбектрансқурилиш", "Тошкентуйжойинвестқурилиш" корхона ва ташкилотларида бу борада ўтган ой учун белгиланган топшириқ бажарилмай қолди. Афсуски, бу ишга масъул айрим раҳбарлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қора ва рангли металл парчаларини йиғиб, ўз вақтида топширишга ҳам боғлиқ эканини унутиб қўйишаётганга ўхшайди.

Йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, ташкилот ҳамда вилоятлар раҳбарларига қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш борасидаги режаларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов қатнашди.

(ЎзА).

Кўтарма кўприк

қурилиши 2 йилда эмас, 6 ойда тугалланади

«Қашқадарёнинг йўллари теп-текис экан», дейишади Чак-чак довонидан ошиб келган сурхондарёликлар. Жом тарафдан Қашқа воҳасига, Қоровулбозор орқали Муборак туманига йўли тушганлар ҳам юқоридаги эътирофга қўшилишлари шубҳасиз. Ана шундай кезларда «Қашқадарёавтойўл» акционерлик бирлашмаси йўлсозлари мийиғида кулишиб, «бизнинг раҳбаримиз зўр-да», деб қўйишади ғурур билан. Бу гапда жон бор. Бирлашма раиси Қурбон Панжиев қатъиятли, бир сўзли одам. Асли скрейперчидан чиққан, фидокорона меҳнати орқали Олий Мажлис депутати этиб сайланган бу инсон учун йўл ва кўприк қуришдан улуғроқ мақсад йўқ.

Ишимиз — савоб иш, — дейди у йўлсозларга, — бинобарин, ҳар биримиз ўз бурчимизни виждонан адо этмоғимиз керак.

Айни пайтда Қарши шаҳрига келган меҳмонлар марказий кўчанинг ойнадек ялтиллашидан ҳайратга тушишлари аниқ. Сабаби — марказий кўчага чет эл технологияси асосида асфальт ётқизилаяпти. Ҳайдовчилар «Қаршининг кўчасида чумолининг оёғи тойиб кетади энди», дея ҳазиллашишлари ҳам шундан. Бу йўлсозлар бажараётган ишнинг бир қисми, холос. «Нукус-Бухоро-Қарши-Ғузор» автомобил йўлининг 705-километрида, Косон тумани ҳудуди бошланишида қурилаётган кўтарма кўприк эса йўлсозларнинг нималарга қодирлигини кўрсатмоқда. Темир йўл устида барпо этилаётган мазкур кўприкнинг лойиҳа-смета қиймати 1,5 миллиард сўм.

Қашқадарёнинг манаман деган йўлсозлари — Китоб йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармаси, Китоб механизациялашган кўчма жамланмаси, Косон автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси, Яккабоғдаги «Йўлчи», «Шаҳрисабз ободончилиги» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари қурувчилари ушбу иншоотни барпо этишда фаол қатнашмоқдалар. Иншоот қурилишига 200 дан зиёд техника воситаси сафарбар этилган. Албатта, замонавий андозадаги янги йўлни барпо этиш енгил иш эмас. Махсус плиталарни Тошкентдан келтиришга тўғри келмоқда. Йўлсозлар ўта нозик ва мураккаб жараён ҳисобланган монтаж ишларини ҳам маромига етказиб уддалашяпти.

— Мустақиллик туфайли шундай иншоотлар қурилмоқда, юртимиз обод бўлмоқда, — дейди автокранчи Фурқат Муҳаммадиев. — Биз хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Пайвандчи Илёс Маҳмудов унинг фикрини тўлдиради:

— Бу йўллар, кўприклар ким учун қурилаяпти? Ўзимиз учун. Шу юрт, шу эл учун. Шундай экан, ким ҳам жон қойитиб ишламайди, дейсиз?

Лойиҳа бўйича иншоот икки йилда қуриб битказилиши лозим эди. Йўлсозлар бу оғир ва мураккаб вазифани 6 ой ичида ниҳоясига етказишга аҳд қилишган.

— Худо хоҳласа, Мустақиллик байрами арафасида йўлни фойдаланишга топширамиз, — дейди Қ.Панжиев.

Бунга шубҳа йўқ. Эндиликда поезллар «Қарши-Косон» темир йўли орқали ўтаётганда, автомобилларнинг турнақатор бўлиб тизилиб туришига ҳожат қолмайди. Яна бир муҳим жиҳати бор. Кўтарма кўприк — йўл ўтказгич фойдаланишга топширилгач, унинг атрофи гавжум ва обод масканга айланади, албатта.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик менинг иқболим

Мен бугун кўл узатсам, қўлим юлдузларга етгудай. Ҳафсала қилсам, гўё дунё менга бир қадам.

Кеча Минор деган қишлоқдан бўлагини кўрмаган бир колхозчининг боласи эдим. Қишлоқ одамларини ўшанда газеталар оддий колхозчи, деб ёзарди. Колхозчи «оддий» бўлгани учун у теварак-атрофига қарамасдан раиснинг ё бригадирнинг чизган чизиғидан чиқмай яшашга, ишлашга маҳкумдай эди. Биз болаларга бўлса, ўша маҳкумликнинг ворислари, деб қараларди.

Мустақиллик ота-боболаримнинг елкасига санчилиб турган маҳкумлик, тобелик найзаларини суғуриб олиб ташлади.

Баландпарвоздай туюлган бу гапимнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганлар қишлоғимизга келсинда, менинг ишларимни кўрсин. Қишлоқбоп саноат мажмуини бунёд қилдим: ун тегирмони, пахта титиш ва оқлаш цехи, алибастр, оҳак ишлаб чиқариш корхонаси, генераторларни таъмирлаш устахонаси бор. Ҳаммаси ишлаб турипти. Мажмуанинг эркин ишлашига, тўғриси, ҳовлижойим торлик қилиб қолди.

Одамларимизни айтмайсизми. Уларда меҳнат қилишга, ишлашга иштиёқ зўр. Касб-ҳунар ўрганишга интилиш беқиёс. Эшкувватбой, бизгаям бир эрмак топиб беринг, деб кунига ўнйигирматаси ҳузуримга келади.

Бола-чақани боқиш керак. Нонни ҳалол меҳнат қилиб ейиш керак. Яхши яшамоқ керак. Ширин тушлар кўриб дам олмоқ керак. Мана сизга бугунги қишлоқ одамларининг мафкураси. Ахир, узатганда қўлинг юлдузларга етишини ҳис этиб турсанг, ўзингни катта-катта ишларга чоғлай билсанг, ўзингни **ИНСОНМАН** деб баҳолай олсанг, **КОМИЛЛИК**нинг катта йўллари сари қадам ташлашни ният этсанг...

Ўйлайман: бу саодатни менга мустақиллик берди. Менинг яхши ниятларим, орзуларим, ишларим, ҳаётим мазмуни Мустақилликка хизмат қилишга қаратилади. Шунга қодир бир нарсани эслатайин. Бу гапларни менга бошқа биров ёзиб бергани йўқ. Ўзим ёзаяпман...

Э.ЧОРШАНБИЕВ,
Жарқўрғондаги «Ойдин» хусусий фирмаси раҳбари.

Марду майдон полвонлар

пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» марказида IX жаҳон чемпионатининг олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиш, ўз Ватани шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун гиламга чиқмоқдалар

«Эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати — қувончли ва масъулиятли ҳодиса. Ва мен Ўзбекистон ушбу чемпионатни ўтказишга ўз номзодини таклиф қилганидан хурсандман. Мамлакатингиз қисқа вақт ичида спортга энг яхши муносабатда бўлган давлатлар қаторига қўшилди. Курашчиларингиз йилдан-йилга катта маҳорат ҳамда улкан имкониятлар манбаини намойиш қилишмоқда. Давлатингиз раҳбарлари энг йирик, юксак савияли халқаро тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан кенг миқёсдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқдалар. Бундан фақат қувониш керак. Менга мамнуният бахш этадиган яна бир нарса шуки, Ислом Каримов FILAнинг олий мукофоти — «Олтин маржон»га лойиқ деб топилди. Чемпионат ташкилотчиларига уни муваффақиятли ўтказишларини, қатнашчи спортчиларга эса ажойиб ғалабаларни, ўз маҳорати, бутун имкониятларини намойиш этишларини тилайман».

Бу сатрлар FILA президенти Милан Эрцеганнинг чемпионат қатнашчиларига йўллаган табригидан олинди. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон полвонларининг эришаётган ютуқлари бугун халқаро миқёсда энг катта баҳоларга сазовор бўлмоқда. Шунинг учун ҳам FILA кўпгина мусоқабаларни юртимизда ўтказиш тарафдоридир.

9 август куни бошланган жаҳон чемпионатида аста-секин кучлилар сараланиб бормоқда. Қуйида баъзи баҳслар тафсилотига тўхталамиз. 69 килограмм вазн тоифасида югославиялик Горан Божанич билан гиламга чиққан ҳамюртимиз Темур Фатхулин тенг курашлар остида ўтган беллашувда 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўлланма олди. Шу вазндаги яна бир қизиқарли учрашув даниялик Лукас Поплавский ва Алаин Хассли (Франция) ўртасида кечиб, унда франциялик спортчи катта устунлик билан (10:0) муваффақият қозонди.

76 килограмм оғирлик вазнида гиламга чиққан юнон-рум курашчимиз Жаҳонгир Турдиев белорусиялик Александр Крючной билан баҳс бойлади. Ва минглаб мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида рақибидан устун келди — 6:4.

Бугун юнон-рум курашчилари чорак ва ярим финал баҳсларини ўтказишади. Эртадан бошлаб эса эркин курашчилар шоҳсупанинг совринли поғоналарини банд этиш учун гиламга чиқа бошлайдилар.

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТДА: FILA президенти Милан Эрцеган.

Янги замон одамлари

Сизни ким, деб атайин?

Қишлоқ мулкдори дейми, йирик фермерми ёки бўлмаса, заводчи бой дейми?

У саволимизга бир чимдим табассум билан жавоб қайтарди ва бизни ичкарига бошлади.

Бу ерда унинг унча-мунча хўжаликларнинг чорва фермаси бас келолмайдиган юзлаб бош говмиши бор эди.

Ичкарида кунига ўн тонна сутни қайта ишлайдиган корхонаси фаолият кўрсатарди.

Қисқаси, қишлоқ мулкдори пахта ва ғалла хирмонининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса кўшаётган эди.

— Ўн йил берисида ҳаёт шунчалар ўзгариб кетишини хаёлгаям келтирмагандик, — вазминлик билан сўзлайди у. — Ишлайман, деганга кенг имкониятлар яратилгани, имтиёзлар берилгани, Президентимизнинг доимий ғамхўрликлари кул остидаги чўғни алангалатгандек бўлди, назаримда. Мудроқ босган кўзларимиз очилди. Руҳимиз тетиклашди, аллақандай куч, иштиёқ пайдо бўлди. «Давлат берса ейман, бермаса, Худо пошшо» дегучи бир хилги кишилар ҳам бирдан сергак тортишди. Ана сизга, Истиқлол шарофати, кучқудрати!

Абдураҳмон Болтаев республикамиз мустақилликка эришгунга қадар ўнлаб, юзлаб ҳамқишлоқлари қатори дилидагини тилига, тилидагини эса юзага чиқаролмай, армонда келаётган эди. Истиқлол унинг қалбига — шуурига кўёш нуридай ҳарорат билан кириб келди. Тонг насимидай ҳузур бахш этди. Иқтидорини, салоҳиятини намойиш қилишга даъват этди. Йиллар синови уни тоблади, чиниқтирди. Ислоҳот қалдирғочларидан бири бўлган Абдураҳмон Болтабоев мана, олти йилдирки, Андижон туманидаги «Усмон ҳожи» фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда.

— Гўшт, сут йўналишида иш бошлаганмиз, — эслайди у. — Кунига юз килограмм атрофида сут соғиб олинарди. Турган гап, бу бизларни мутлақо қониқтирмасди. Ахир, оқсоқ от билан улоқ чопиб бўлмайди-ку?

— Кечирасиз, ҳалиям чорвага панжа орасидан қарайдиганлар йўқ эмас...

— Бундайлар ўзлариниям, қўл остидагиларниям абгор қилади. Чорва — етти хазинанинг бири, билсангиз. Насли тоза, емиши жойида бўлган ҳайвон чўмичниям, қозонниям мойга тўлдиради. Рўзғорнинг бойлиги, баракаси у. Дастлаб иш бошлаганимизда бизгаям осон бўлмаган, албатта. Чорва моллари насли айниганди, емишдан қисилиб қолганди.

— Ривожланган мамлакатлар, хусусан, Голландия, АҚШ тажрибасидан маълумки, наслли говмиш мўл ва сифати аъло маҳсулот беради...

— Бўлмаса-чи! Менинг касбкорим чорвадор эмас. Аммо балиқнинг мазасини балиқ овловчидан яхшироқ биламан. Ҳазил, албатта. Мутахассислар фикрига қулоқ тутдим. Подани «Швиц» зоти билан тўлдиришни маъқул топдик. Фермамиз зотдор ғунажинлар билан кенгая бошлади. Улар биринкетин бузоқлади. Дастлаб кунига 5-5,5 литрдан сут берса, кейинчалик бу кўрсаткич ўн литрдан ҳам ортиб кетди. Энди олдимизда яна бир муаммо кўндаланг бўлди. Йиғилиб қолаётган сутни қайта ишлаш ва уни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш керак эди. Излаган имкон топади, деганлари рост экан. Латвиядан сутни қайта ишлайдиган технологик жиҳозлар келтирдик. Кунига ўн тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган цех очдик.

Бозор иқтисодиёти аниқ ва пухта ҳисоб-китоб билан ишлашни тақозо этади. Айни пайтда истеъмолчининг талаби, дидини ҳам унутмаслик лозим. Акс ҳолда, хорижнинг ялтироқ ёрлиқларига ўралиб қадоқланган маҳсулотлар дўкон пештахталарининг «ҳокими мутлақи» бўлиб қолаверади.

Болтабоевчилар ана шу оддий ҳақиқатни унутмайдилар. Улар Ўрта Осиё-Американинг «Эйшон Кроссроудз Лоун Компани» тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди орқали 98 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит олдилар. Шунинг ҳисобига Италия ҳамда Даниядан сут маҳсулотларини қадоқлайдиган энг илғор технология сотиб олинди. Эндиликда бу корхонада ўн тўрт хилдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда ва бежирим идишларга қадоқланиб, истеъмолчиларга чиқарилмоқда.

Истиқлол улғайтирган одамлар яна шуни яхши биладиларки, чорвани чорва қиламан, деган одам, энг аввало, наслга эътибор қаратади. Бу эса ташаббус кўрсатишни, янгиликларга дадил қўл уришликни талаб этмоқда.

— Поданинг етмиш фоиз насли яхшиланди, эллик бошдан зиёд ғунажин алоҳида парваришланмоқда, — дейди А.Болтабоев. — Барчиной Мамаева, Наргиза Солиҳова сингари соғувчи қизларимиз ўзларига биркитилган говмишларнинг ҳар биридан ўн литрдан орттириб сут олаётирлар. «Усмон ҳожи» фермер хўжалигида бугун қарийб эллик киши меҳнат қилаяпти. Етмишга яқин одам озуқа етиштириш билан машғул. Уларнинг ойлик иш ҳақи 15 мингдан кам эмас. Хўжалик ўтган йили 135 миллион сўм миқдорида даромад эгаси бўлди. Унинг 12 миллион 200 минг сўми эса соф фойда. Улар катта меҳнат эвазига топаётган пулнинг бир қисмини савобга йўғрилган ишларга йўналтириб, эл-юрт дуосини, раҳматини олишаяпти. Чунончи, Ёрбоши қишлоғидаги қатор мактаблар, маҳалладаги ободончилик ишларида болтабоевларнинг беминнат мурувватлари бор.

Тошкентдаги «Туркистон» саройига мамлакатдаги энг илғор, тажрибали фермерлар, ҳунарманд ва тадбиркорлар тўпланганди. «Усмон ҳожи» фермер хўжалиги ана шу йиғинда иштирок этиб, республика «Ташаббус-2001» танловининг ўз номинацияси бўйича мутлақ ғолиби, деб топилди ва у Юртбошимиз томонидан таъсис этилган биринчи мукофот — «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш – иқтисодий мажмуанинг вазифаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидландики, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва бошқа вилоятларда, Кегейли, Чимбой, Беруний, Қамаши, Муборак, Нишон, Яккабоғ, Томди, Конимех, Янгибозор, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ ва кўпгина бошқа туманларда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай шароит яратишга етарли эътибор қаратилмаяпти.

Жумладан, жойларда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишда сансалорлик ва расмиятчилик ҳоллари кўплаб учраётгани кўрсатиб ўтилди. Ҳокимликлар томонидан тадбиркорларнинг мулкига ноқонуний кўз олайтириш, маблағларини тортиб олиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Белгиланган тартибга зид ўлароқ кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолияти кўп бор текширилмоқда. Уларнинг моддий-техника ва молия ресурсларидан фойдаланишига имконият яратиш учун амалий чоралар кўрилмаяпти. Хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб қилган ҳолда лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари суст бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги баённи қарорига кўра, ўзлари бошқараётган ҳудудларда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш учун ҳокимлар ва уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарларига шахсий жавобгарлик юклатилгани қайд этилди.

Мажлисда маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқланди. Жорий йилнинг IV чорагидан бошлаб кучга киритиладиган бу мезонлар ҳудудий ялпи ички маҳсулот таркибида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиши кўрсаткичлари билан тавсифланади. Шунингдек, иқтисодиётнинг мазкур тармоғида иш ўринлари яратиш, унинг аҳоли даромадларига таъсири, ҳокимликлар, маъмурий идораларнинг кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш ва етарли шароит яратишдаги ўрни инобатга олинади. Кичик ва ўрта бизнес маҳсулот хизматлари экспорти ҳажмини кўпайтириш мезонига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, бу ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтиришнинг муҳим омилидир.

Кўпгина шаҳар ва туманларда кредит ресурслари тақчиллиги тўғрисидаги мурожаатлар туфайли Марказий банкка тижорат банклари билан бирга қисқа муддатда кредит ресурсларининг самарали банклараро ва ички бозорларини ташкил этиш тавсия этилди. Улар фойдаланилмаётган маблағларнинг кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун молиявий маблағлар тақчиллигини сезаётган минтақаларга қайта йўналтирилишини таъминлайди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, 2001 йилнинг биринчи ярмида импортнинг умумий ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Республикада 322 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, 375 миллион долларга қисқа муддатда хусусий ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин. Ҳокимликларнинг иқтисодий тузилмаларига маҳсулот ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Ҳокимликлар ва бошқа масъул идораларнинг кичик ва ўрта бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини баҳолаш юзасидан жамоатчилик сўровларини доимий равишда ўтказишга қарор қилинди.

"Хусусий ва кичик бизнес, эркин тадбиркорлик учун энг яхши ҳуқуқий ва инвестицион шароит яратган вилоят" республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш механизми, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлисларида туман ва шаҳар ҳокимларининг амалга оширилаётган ишлар ҳамда тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама этиш жадвали тасдиқланди. Айни пайтда барча ҳокимлар ўринбосарлари уларнинг фаолияти ва эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги минтақада кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизми ва тизимининг самарадорлиги даражасига қараб белгиланиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг моддий-техника ресурсларидан фойдаланишини осонлаштириш учун 2003 йилгача жойларда кичик улгуржи дўконлар тармоғини яратиш дастури тасдиқланди.

Бешта туман ҳокимликларининг ҳисоботи тингланди ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароит яратмагани сабабли Қамаши ва Янгибозор туманлари ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари лавозимидан бўшатилди. Тахтакўпир, Томди ва Тошкент туманлари ҳокимлари ўринбосарларига эса мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг аниқ муддатлари белгиланди, шундан сўнг уларнинг фаолияти қайта кўриб чиқилади.

Муҳокама этилган масала юзасидан Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъати ҳамда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг қўшма мажлиси қарори қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 июлдаги мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган устуворликлар ва мақсадли вазифаларга мувофиқ, кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси Ў.Исмоилов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова иштирок этди.

(ЎзА).

Саломатлик сабоқлари

Вабо касаллигидан сақланинг!

Биз ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали қўшни давлатларда вабо касаллиги ўчоқларининг фаоллашуви ҳақида маълумот олаяпмиз. Табиийки, бу вазият республикамиз тиббиёт ходимлари ўртасида ташвиш туғдириб, эҳтиёткорлик чораларини кўришга чорлайди. Август ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Худди шундай йиғилишлар барча вилоятлар ва туманларда ҳам ташкил этилаяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад вабо касаллигининг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймасликдир.

Вабо — ўткир ичак инфекцияси ҳисобланиб, уни вибрионлар гуруҳига кирувчи бактериялар келтириб чиқаради. Қўзғатувчилар жуда ҳаракатчан, паст ҳароратда ва музлашга чидамли. Улар қайнатилган сувда 1 дақиқа давомида ҳалок бўлади ва сульфат, хлорид кислоталарининг кучсиз концентрацияси ҳамда ҳар хил дезинфекцияловчи эритмаларга сезгирдирлар. Вабо вибрионларининг икки хил биологик тури мавжуд: классик ва Эльтор. Эльтор вибриони ҳозирги даврда давом этаётган вабо пандемиясининг сабабчиси ҳисобланади. Ушбу вибрионларнинг кўпчилик хусусиятлари ўзгараётганлиги ва улар одамда жуда енгил ўтадиган касаллик ёки соғлом вибрион ташиб юрувчилик ҳолларига сабаб бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Касалликнинг яширин даври 1 кундан 6 кунгача (кўпинча 1-2 кунни ташкил этади). Хасталикнинг биринчи белгиси — ич суришидир. Ушбу аломат тўсатдан, асосан, кечаси ёки эрталабга яқин пайдо бўлади. Ич кетишидан сўнг беморда қусиш бошланади. Тезда қусуқ ҳам сувсимон шаклга кириб, гуруч сувига ўхшаб қолади. Шу билан бирга, ушбу хасталикда беморни қоиндаги оғриқлар безовта қилмайди. Касаллик оғир кечган пайтларда беморларнинг ҳамиша сув ичкиси ва қусгиси келади. Мушаклар тортишиб, қаттиқ оғриқ беради. Тери қуруқшаб, кўкариб кетади, овози хириллашиб, йўқолиш даражасида пасайиб, томир уруши тезлашади, пешоб ажралиши умуман тўхтаб қолади ва ўткир буйрак етишмаслигини келтириб чиқаради.

Вабо беморлари ёки унинг қўзғатувчиларини ташиб юрувчи шахслар аниқланган тақдирда эпидемияга қарши чора-тадбирларни зудлик билан ўтказиш талаб этилади. Шу билан бирга, охирги пандемия жараёнида ушбу тадбирларга сезиларли равишда ўзгартиришлар киритилди ва улар иқтисодий харажатларни камайтиргани ҳолда эпидемиологик жиҳатдан самаралироқ эканлиги исботланди.

Умуман олганда, вабо айни куннинг долзарб муаммоларидан бири. Шунинг учун ҳам унинг олдини олишда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сувларни зарарсизлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, савдо, умумий овқатланиш тармоқларида қатъий равишда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Вабо касаллиги мавжуд бўлган мамлакатлардан республикамизга ташриф буюрган шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Улар беш кун мобайнида поликлиника ва бошқа даволаш даргоҳлари томонидан кузатувда бўлишлари ва меъда-ичак касаллигининг биринчи аломатлари пайдо бўлган тақдирда дарҳол лаборатория текширувидан ўтишлари шарт. Унинг олдини олишдаги муҳим тадбирлардан бири — аҳоли орасида кенг кўламда санитария-тушунтириш ишларини олиб боришдир.

Х.ЛАТИПОВ,
республика саломатлик институти директори ўринбосари.

Сифатли маҳсулотнинг харидори мўл

Қишлоқ жойларида маҳаллий шароитга мос ихчам корхона қурилса, у қисқа муддатда ҳам катта даромад келтиради, ҳам эл-юрт корига ярайди. Урганч туманидаги С.Қаландаров номли ширкат хўжалигида жойлашган «Ғойбусут» кичик заводи бунга бир мисол. У ўзининг 6 ойлик фаолияти давомида салкам 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. 4 миллион сўм соф фойда олди.

Ҳозирда «Ғойбусут» 47 та ташкилот билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузган. Маҳсулотларнинг 150 граммлик бежирим идишларда қадоқланаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мактабгача тарбия муассасалари, шифохоналар «Ғойбусут»нинг доимий мижозларидир.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Тошкент вилояти дон маҳсулотлари очиқ ҳиссадорлик жамияти экиш учун ҳар йили 25 минг тонна сара уруғ тайёрлаб беради. Шундан қарийб 11 минг тоннага яқини Германиянинг «Тет кус вута» фирмаси технологияси асосида сараланади. Соатига 16 тонна уруғни саралаш имкониятига эга «Тет кус вута» агрегати Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманларини уруғлик билан тўла таъминлайди.

СУРАТЛАРДА: «Тет кус вута» саралаш агрегатининг умумий кўриниши; корхона ишчиси Холбой Ундиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Қурувчилар кунига бағишланди

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида анъанавий байрам -Қурувчилар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол шарофати билан бутун мамлакатимиз бўйлаб мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари авж олди. Нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар, балки энг олис қишлоқларда ҳам замонавий турар жойлар, саломатлик масканлари, корхоналар, билим даргоҳлари қад ростлаб, янги йўллар, кўприклар қурилмоқда. Биргина Тошкент шаҳридаги яратувчилик ишлари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Бугун пойтахт нафақат Ватанимизнинг, балки бутун Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланмоқда.

Кечада бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилаётган қурувчиларга эсдалик совғалари ва мукофотлар топширилди.

Тадбир таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА).

Ошкора суҳбат фермерга ёқди...

Китоб тумани ҳокимияти биносига Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ ва Китоб туманларидан 400 га яқин деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликлари вакиллари тўпланишди. Тўғриси, бу галги «мажлис» аввалгиларига ўхшамади. Қисқа соатга мўлжалланган тадбир тушлик вақти бўлиб қолганлигига қарамасдан яна давом этди.

Негаки, деҳқон ва фермерлар, оилавий пудратчилар учун ўзларини қийнаётган масалалар, маҳаллий ҳокимлар, банк, давлат солиқ ва бошқа назорат идоралари раҳбарларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, тадбиркорлик, деҳқончилик ривожига соя солаётган муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган фикр-мулоҳазаларни ёки бошқача айтганда, дилидаги гапларни очиқчасига айтиш учун имкон бўлди. Савол-жавоблар, мунозара ва тортишувлар узоқ давом этди...

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ташаббуси билан республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги шартномавий муносабатларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспекцияси томонидан республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилаётган **«Қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш — деҳқон, фермерлар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий кафолати»** мавзуидаги ўқув-семинар машғулотлари ана шундай таассуротларга бой бўлмоқда.

Таҳлиллардан кўринишича, ҳали Қашқадарё вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, уларни моддий-техникавий таъминлаш, ер бериш, уларнинг нормал фаолият юритиши, ҳокимият, банк, давлат солиқ идоралари, таъминотчи ва тайёрловчи корхоналар билан муносабатларда ҳамон жиддий нуқсонлар бор.

Жумладан, Касби туманидаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигидаги чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган «Фазлиддин» фермер хўжалигининг 40 бош қорамоли бўлса-да, жамоа хўжалиги раҳбарияти томонидан фермерга қонунда кўзда тутилган ер майдони ажратиб берилмаган.

Деҳқонобод туманидаги «Усмон» фермер хўжалигига туман ҳокимининг қарори ва бошқа қонуний асосларда 1996 йилда 10 га ер ижарага берилган бўлсада, «Қашқадарё 50 йиллиги» ширкат хўжалиги раҳбарининг айби билан фермер ер майдонисиз қолган.

Худди шундай Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» ширкатлар уюшмаси раҳбариятининг айби билан «Умид-1» фермер хўжалигига қонуний асосларда ажратилган 20 га ер майдони ҳеч бир сабабсиз ўтган йилдан буён топширилмаган. Вилоят хўжалик суди аралашувидан кейин ҳар иккала фермернинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Ширкат хўжалиги раҳбарларига нисбатан хўжалик суди томонидан тегишли чора кўрилган.

Амалдаги қонунчиликда хусусий тадбиркорлар, деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган манфаатларини тиклаш механизми тўла яратилган. Аммо, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, деҳқон ва фермерлар ўзларига берилган ушбу ҳуқуқдан етарлича фойдаланмаяптилар, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари кўплаб бузилаётганига қарамасдан сўраб судларга камдан-кам мурожаат этмоқдалар.

Бунинг асосий сабаби деҳқон ва фермерлар, хусусий тадбиркорлар ҳуқуқий савиясининг пастлиги, жойларда ҳуқуқий хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, Тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги шартнома муносабатларининг бажарилишини назорат қилиш инспекцияси ходимларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари, ва ниҳоят, шартнома муносабатларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги билан боғлиқдир.

Фермер хўжаликларининг нормал фаолияти биринчи навбатда уларнинг ёқилғи-мойлаш материллари, ўғит, уруғликлар ҳамда сув, газ, электр энергияси билан ўз вақтида таъминланиши билан белгиланади. Аммо таҳлиллар ҳали бу борада ҳам жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Фермерни сув билан таъминлаш бўйича шартномалар асосан ширкат хўжаликлари билан тузилмоқда. Кўпгина ҳолларда бу шартномалар ширкат хўжалиги мироби томонидан имзоланаётганлиги ачинарлидир.

Мукаммал шартноманинг йўқлиги эса уни судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилади.

Амалиёт таҳлили қишлоқ хўжалигида тузилаётган шартномалар «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талабларига хилоф равишда бир томонлама, асосан ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари зарарига, аксарият ҳолларда эса монопол ташкилотлар фойдасини кўзлаб тузилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шартнома бланкалари монопол ташкилотлар томонидан тайёрланиб, уларда асосан ўзларига фойдали бўлган қоидаларни киритмоқдалар. Деҳқон эса бу оддий бланкаларга «қонун» сифатида қараб, уларга кўр-кўрона қўл қўйиб бериш билан чекланмоқда.

Жумладан, Деҳқонобод туман деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликлари билан туман мол тайёрлаш корхонаси ўртасида тузилган шартномаларда аванс пули тўлаш ва унинг муддатлари белгиланмаган. Суг маҳсулоти эркин нархларда сотилиши лозим бўлсада, ушбу масала шартномада ўз аксини топмаган. Бу эса тайёрловчи корхонага нақд пулларни ўзи хоҳлаган пайтда тўлаш, маҳсулот нархини ўзича белгилаш имкониятини беради.

Айниқса, дон ва пахта маҳсулотлари етиштириб бериш тўғрисидаги контрактация шартномаларини тузишда эскича ёндошиш, кампаниячилик ва расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.

Аксарият ҳолларда контрактация шартномаларининг намунавий бланкалари қўпайтирилиб тўлдирилмоқда. Бунда етказиб бериладиган маҳсулотнинг тури, миқдори, баҳоси, маҳсулотни етказиб бериш муддатлари, форс-мажор ҳолатлар, ортиш-туширш ва бошқа шартлар кўрсатилмаяпти. Айрим контрактация шартномаларида унинг тузилган вақти, амал қилиш муддатлари кўрсатилмаган. Шартномалар ҳуқуқшунос томонидан имзоланмаган ёки ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган. Бу эса ўз навбатида тайёрловчи корхоналар учун қўл келмоқда.

Ғалла ва пахта етказиб беришга оид қўпгина контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжи учун мўлжалланган маҳсулот миқдори қонунчиликда белгиланган 50 фоиз ўрнига кўпгина ҳолларда 55-65 фоиз, баъзан 80 фоиз қилиб белгиланмоқда.

Қисқаси, тадбиркорлар билан бўлган бу учрашув мавжуд муаммоларнинг ечими борлигига ишонч уйғотди. Фермерлар, оилавий пудратчилар шу тариқа сайёр суд мажлисидан керакли йўналишни ола билдилар.

К. СИНДОРОВ,
Олий хўжалик суди бўлим бошлиғи.

Қишлоқ врачлик пунктлари:

ИЛК ҚАДАМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизнингча, ҚВП қошида кичик дорихоналар ташкил этиш муаммосини маҳаллий ҳокимиятлар, вазирлик даражасида ҳал этса бўлади.

Муаммолар борлиги, мавжуд камчиликларни аҳолининг ўзи, соҳа мутахассислари айтиб-кўрсатиб турганлиги, уларни бартараф этиш учун жон куйдирилаётгани яхши. Аммо айнан ўша узоқ қишлоқ, овулларда ташкил этилган ҚВПдан самарали фойдаланилмаётгани билан ҳечам келишиб бўлмайди.

Осмонсойдаги ҚВПга ташриф буюрганимизда шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Пунктда дорихона ташкил этилмаган. Физиотерапия хонаси 15-20 кундан бери ишламаётган экан. Терапевт врач 3 кундирки, ишда йўқ.

— Шу ойда кўзи ёриши кутилаётган аёллар сони нечта? — сўради ҳамроҳимиз, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси даволаш-профилактика бўлими мудири Мухтор Суннатуллаев ҚВП раҳбари Унсун Нуриллаевадан.

— 12 нафар.

Аммо доя-ҳамшира Г.Бойбўсинова умуман бошқа гапни айтди.

Маълум бўлишича, ҳудудда аёлларни туғруққа тайёрлаш бўлимига ётқизиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Улар билан профилактика ишлари олиб борилмаяпти. Худди шунинг оқибатида ҚВПнинг ёнгинасида яшайдиган аёл ҳафта бурун туғруқхонага бормасдан уйда кўз ёрган.

Вилоят бўйича олиб қараладиган бўлса, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури борасида катта ишлар қилинаяпти. Дастур асосини ташкил этадиган ҚВПларидаги илк қадамлар тутган йўлимизнинг нақадар тўғрилигини яққол намойиш этмоқда.

Шу боис ҳам кейинги икки ойда Бахмалда «Йўлдошой», Ғаллаоролда «Сарибозор», Жиззах туманида «Ховослик» каби ўнга яқин ҚВП очилди. Янгилари қурилаяпти. Бундай ҳолни фақат олқишлаш керак. Асосий мақсад эса ана шу замонавий шифо масканларидан унумли фойдалана билишда.

Баҳриддин САТТОРОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

ФАРЗАНДЛАРИНИ ОҚ ЮВИБ, ОҚ ТАРАЁТГАН ЮРТ

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

1

Қорақалпоқ элида қурғоқчилик! Икки юз минг гектар буғдойзор шу офатдан оғир лат еган.

Қадим Хоразмда ҳам сув тақчиллиги. Сал кам етмиш минг гектар ғаллазор қовжираб битган.

Бу совуқ хабар саратонда чақнаган момақалдироқ каби нохуш кайфият уйғотди.

Лекин худди ўша кунлари Президентимиз Ислом Каримов «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Чуқур меҳр, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бу ҳужжатда нафақат сув тақчиллигини енгиллаштириш, балки эртанги кун оғирини енгил қиладиган кенг кўламли тадбирлар кўзда тутилган. Ўтган йилдаги каби бу йил ҳам Аму бўйи аҳолиси моддий жиҳатдан жиддий қўллаб-қувватланган, катта амалий ёрдам берилган. Қарорда яна бир теран модда мавжудки, унга кўра, Аму бўйи болалари ва аёлларига мамлакатимиздаги тоғли ва сўлим, энг хушманзара масканларда дам олиб, саломатликларини тиклаши учун шарт-шароит яратиб берилган. Серневара мўйсафид бир адиб сифатида, айниқса, бу тадбир, бу меҳр менда чуқур таассурот қолдирди. Ва мен болалар дам олишга келгани ҳамоно улар билан учрашиб, бир суҳбатлашаман, деб ният қилдим.

2.

Кечқурун Бўстонлиқ туман ҳокимлигига телефон қилдим, лекин бу пайтда туман раҳбари Ўткир Неъматов сув тақсимлаш комиссияси билан бирга Чорвоққа чиқиб кетган экан.

Яқинда биз, Марказий Осиё маданияти Ассамблеяси шу туман ҳокимлиги билан биргаликда, Бўстонлиқда «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида кўрик-танлов ўтказган эдик. Ўшанда ўзбек бахшилари, қозоқ ва қирғиз оқинлари гўё бир отаонанинг болалари каби жўр бўлиб, Ўзбекистонни улуғлашган, уни она диёрим, суюкли Ватаним, деб қўшиққа солишган, халқ бу ўлан ва қўшиқларни қизғин олқишлар билан кутиб олган эди.

Ўткир Неъматов билан ўшанда танишганмиз. Камтар, камгап, ишбилармон одам. У киши бизга кўп нарсаларни айтиб бериши мумкин эди, чунки ўша куни Бўстонлиқдаги дам олиш масканларида уч мингдан кўпроқ болалар, неча юзлаб аёллар ҳордиқ чиқараётгани, улар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келганликлари ҳақида гап очган эди, залда ўтирганлар орасида уларнинг вакиллари ҳам бор, дегани ёдимда.

Ҳокимнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини Худойберган Мирзамухотов:

— Мендан бошқа ҳамма дам олиш уйларига сафарбар этилган, — деди. — Болаларнинг кўнглини олишимиз керак-ку, ахир!

— Тўғри қиласизлар, меҳмон отангдан улуғ, деган гап бор, — дедим мен.

Хуллас, эрталаб соат тўққизда ҳокимият биноси олдида учрашадиган бўлдик. Келишилган вақтда Бўстонликда кўришдик.

Ғир-ғир шабада, ҳаммаёқ ям-яшил боғ-роғ, дарахтзор, Чирчиқ дарёси шарқираб оқиб ётибди. Бир ёнда —юксак тоғ, унинг ён бағирлари ўрмонзор.

Қорақалпоғистон ва Хоразмдан келган болалар бу сўлим гўшада нечоғлик яйрашларини, бир олам унутилмас таассуротлар билан қайтишларини ўзимча тасаввур қиламан. Шундай кўркам, хушҳаво жойлар, боғи эрамдек оромгоҳлар билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди, дейман. Шунда лоп этиб бир воқеа ёдимга тушади.

Адашмасам, саксон етти, саксон саккизинчи йиллар эди. Собиқ иттифоқ раҳбари Бўстонликда, мана шу жаннатмонанд гўшада улкан радиолампа заводи қуришни режалаштирган. Бу режа республиканинг ўша даврдаги раҳбарлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Энди қурилиш ишларига киришилган бир пайтда ёзувчилар бу ишга қарши чиқишди. Чунки тоғ ён бағрида радиолампа заводи қурилиши, биринчидан, табиатни вайрон этади, иккинчидан, шўро тузумига хос бўлган «принцип»га кўра «бундай ҳарбийлашган заводда маҳаллий халқ ишлай олмайди», дейилади-да, олис ўлкалардан минглаб, балки ўн минглаб мутахассис ва ишчилар кўчириб келинади. Албатта, бу ерда улар яшайдиган шаҳарча ҳам қурилади. Қарабсизки, Ўзбекистонимизнинг энг жозибали дам олиш минтақаси, бу ям-яшил арчазорлар, бу тиниқ булоқлар, ҳавоси дардга даво бу даралар оёқости қилинади, ерлик аҳоли ўз боғ-роғлари, уй-жойлари ва ҳосилдор ерларидан айрилиб қолаверади!

Ўшанда бу мушкул муаммо осонгина ўз ечимини топган эмас. Тўғри, ёзувчилар бу ҳақда куюниб мақолалар ёзишган, марказга мурожаат қилишган, лекин...

Ислом Каримов саксон тўққизинчи йилнинг ёзида республикага биринчи раҳбар бўлиб сайлангунча бу машмаша давом этган, шундан сўнг у ўз-ўзидан барҳам топди.

— Оқсоқол, Сўқоққа келдик, — деди Худойберган Мирзамухотов. — Бу автомобилчиларнинг дам олиш боғи. Ҳозир бу оромгоҳда Қорақалпоғистон ва Хоразмдан келган бир юз ўн беш бола дам олаяпти.

3.

Дам олиш маскани тоғ ён бағрида жойлашган бўлиб, беқиёс ҳудудни ишғол этган эди. Бу ернинг ҳавоси Бўстонлиқникидан ҳам майин, нафас олсангиз, қимиз ичган каби яйраб кетасиз. Эсаётган сарин шабада эса руҳингизни аллалаётгандек бўлади.

Худойберган билан оромгоҳ ичига кирдик. Йўлаклар шинам, ораста. Ҳу, нарида тўрт қаватли кўркам бино кўзга ташланади, бино олдида, азим дарахтлар соясида болалар тўпланиб турибди. Соддаликни қарангки, мен саҳро офтобида роса қорайган, озғин ва нимжон болаларга дуч келсак керак, деб ўйлаган эдим. Лекин менинг олдимда қийиқ кўзларига кулги яширинган, юзлари оппоқ, ўн-ўн тўрт ёшдаги бири-биридан ширин қизалоқлар, ўт-олов болакайлар жилмайиб туришар эди. Уларнинг шўхликлари ичларига сиғмай бораётганини сезиш қийин эмасди. Ҳозир, «Ҳайт», десангиз, кийик болаларидай гала-гала бўлиб, тоғу тошлар сари учиб кетишади. Ўғил болалар эса бир оз жиддий. Азаматлар ўзларининг эр йигит эканини сездириб туришипти.

Тарбиячилар Гулнорахон Жалолова билан Феруза Ҳабибуллаева болаларнинг яшаш шароитлари, спорт мусобақалари, кундалик адабий-маданий машғулотлар, дам олиш, барча-барчаси ҳавас қилса, арзийдиган даражада эканини айтишди. Болаларнинг ўзлари

— Жуда яхши, — деб чуғурлашди.

—Ҳавоси зўр!

— Суви ширин!

— Тоза маза қилдик!..

— Сизларга кўпроқ нима ёқди? — деб сўраймиз улардан.

— Ҳамма-ҳаммаси, — дейишди болалар. — Келган кунимиз булоқ бошига бордик. Ҳар биримиз бир мешдан сув ичдик!

Кулги кўтарилади.

— Бундай тоғлар биз томонда йўқ. Қаранг, осмонга тиралиб турибди. Биз ҳу анави қоягача чиқдик!.. — деди ўн тўрт ёшлардаги ўсмир.

Аста-секин болалар бизга, биз болаларга қўника бошлаймиз. «Ватанимиз тоғларию Аму бўйидаги кенгликлари билан гўзал-да, —дейман мен. — Хўш, пойтахтга ҳам бордингларми? Тошкентни томоша қилдингларми?»

—Бордик, Тошкентни роса айландик! - деб чуғурлашади болалар.

— Қандай экан?

— Жуда ҳам зўр! Менга, айниқса, бахмал шишали бинолар ёқди!

— «Оймомо» боғиям ажойиб!

— «Шаҳидлар хотираси» майдони зўр жой экан!

— Навоий боболарингнинг боғини ҳам бориб кўрдиларингми?

— Албатта-да, — дейишади болалар, сўнг: — Биз Навоийнинг ўланларини мактабда ўқиганмиз! — деб изоҳ беришади.

— Сизлар айтаётган боғлар, зиёратгоҳлар, бахмал шишали бинолар, барча-барчаси мустақиллик йилларида қурилган, — дейман уларга.

— Яқинда вилоят марказий шифохонаси ходимлари болаларимизни тиббий кўрикдан ўтказишди, — дейди тарбиячи Феруза Ҳабибуллаева.

Туман ҳокимининг муовини эса «Чотқол», «Тонг», «Хумо», «Нилуфар», «Камалак» оромгоҳларида ҳам қорақалпоғистонлик, хоразмлик болалар ҳордиқ чиқараётганини, ҳали бориб улар билан ҳам суҳбатлашишимиз лозимлигини эслатади.

Болаларга, кунларинг мазмунли ўтсин, илоё, келгуси йил қурғоқчилик бўлмасин, қишда ўтовнинг бели баробар қор ёғсин, баҳорда челаклаб ёмғир қуйсин, экин-тикиннинг баракасини берсин! — деб тилак билдирамиз. Шунда улар:

— Илоё, омин! — деб жўр бўлишади. Мен эса тарбиячи синглимизга юзланиб:

— Болаларингиз жуда шўх экан, — дейман. — Тўғрисини айтсам, қойил қолдим. Ранглари тоза, руҳлари тетик. Гапсўзларининг мағзи тўқ.

— Буларнинг болалиги сиз билан бизникига мутлақо ўхшамайди, — дейди Гулнорахон Жалолова. — Бўш қолдик, демайин шабада кўнглингизни яйратиб юборади. Мен дунёнинг ярмини кезиб, бирон-бир жойда бунчалар ором олмаганман!

Худойберган бу санаторий тарихини яхши билар экан, йўл-йўлакай шуни ҳикоя қилади:

— Бу жойнинг ҳавоси танга даво экани XIX асрда аниқланган, — дейди у. — Гап шундаки, ўша даврда Тошкентда яшаган рус князининг икки сулув қизи бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам дамқисма касалига мубтало экан. Биласиз, айрим тоғ ён бағирларидаги тоза ҳаво бу дардга даво бўлади. Хуллас, бир неча тиббиёт ходими, геологлар топшириқ олиб, тоғма-тоғ кезиб, ахийри, мана шу дарага келиб тўхташади. Ўрганиб кўришса, ҳавоси ниҳоятда шифобахш. Шундан сўнг касалманд қизлар бу ерга келиб, шифо топишган. Лекин нарёғини сўрасангиз, дардга даво бундай жойлар дунёда унча ҳам кўп эмас!..

— Ҳақиқатан ҳам бу даранинг иқлими, ҳавоси тамоман бошқача, — дея суҳбатга аралашади Ўрмонжон Тўлаганов. — Астма ва бронхит касалликларини даволашда бу санаторийга тенг келадиган сиҳатгоҳлар кам топилади. Аммо шўро тузуми даврида маҳаллий аҳоли бу ерга яқин йўлай олмаган. Санаторий марказнинг ихтиёрида бўлган, ҳатто йўлланма ҳам Москвадан берилган. Марказ лозим топган кишиларгина келиб бу ерда дам олган, даволанган, холос.

Мустақилликдан кейин ҳаммаси ўзгарди, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан астма ва бронхит билан хасталанган кишилар келиб, ўз дардига даво топмоқда. Бу йил эса Президентимизнинг кўрсатмасига биноан асосан хоразмлик ва қорақалпоғистонлик хотин-қизларимизга хизмат қилаяпмиз, — дейди у.

Санаторийнинг ичкарисига кирганингиз сари довдарахтлар қуюқлашади, хвоялардан таралаётган хушбўй атр бахри-дилингизни очади, ғарқ пишган малиналар, наъматаклар, ора-сира кўркам коттежлар кўзга ташланади.

Орол бўйидан келган аёлларнинг аксарият кўпчилиги ўттиз-ўттиз беш, нари борса, қирқ ёшларда экан. Юзлари оппоқ, кўзлари қоп-қора, бир-биридан сулув. Ясан-тусан ҳам жойида, шаҳарлик аёллардан қолишмайди, лекин ниҳоятда тортинчоқ, фарзанд кўришдан, уни парвариш қилишдан, далага чиқиб ер чопишдан бошқа нарсани билмаган мунис ва мушфиқ сингилларимиз.

Ўрмонбек ака бизнинг мақсадимизни қисқача баён этганидан сўнг бисотимиздаги асосий саволни уларга бердик:

— Кўнгилдагидек дам олдингизларми?

Аёллар гурр этиб бирдан тилга киришди:

— Раҳмат!

— Мингдан-минг розимиз!

Биринчи қаторда ўтирган жувон секин ўрнидан турдида, қисқа, лекин жуда самимий гапларни айтди. У ҳаяжондан энтикиб-энтикиб сўзлади, лекин баъмани, ҳар биримиз ўйлаб кўрсак, арзийдиган гапларни айтди.

— Биз бундай оромгоҳга келиб, яйраб дам оламиз, деб ҳеч хаёлимизга келтирмаганмиз, — деди у жуда ҳазин оҳангда. — Давлатимиз бизни ўйлаб, шунчалик меҳрибончилик кўрсатдики, бу ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

— Президентимизнинг яна бир гапи бор, — дейди бошқа бир аёл. — У киши айтгандиларки, агар қорақалпоқлар мени «қорақалпоғим» деса, ўзимни ғоят бахтли одам деб биламан, деганлар. Бу гапни унутиб бўладими?

Бу самимий гаплар юрагимни жизиллатиб юборди. Аслида ҳам шундай эмасми, ахир?! Қачон биз, аёлларимиз ҳам оромгоҳларда ором олсин, сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклосин, деб меҳрибончилик қилганмиз? Мана, шундай кунлар келди.

Биз болаларга берган саволимизни буларга ҳам берамиз:

— Қолинглар! Яна бирор ҳафта дам олинглар!

Аёллар бир-бирларининг гапини бўлиб, гапира кетишади:

— Йўқ, йўқ! Болаларимизни соғиндик! Эрларимиз кутяпти! Бизнинг миннатдорчилигимизни элга етказсаларингиз бўлди.

Мана, бугун Юртбошимизнинг ташаббуси билан Намангандаги «Атласчи» оромгоҳида Тошовуз, Қораўзак, Тахтакўпир туманларидан келган 90 ўқувчи ҳордиқ чиқаряпти. Сўлим Фарғонанинг «Тонг», «Коинот», «Ниҳол», «Ипакчи» оромгоҳларида дам олган 700 дан зиёд тахтакўпирлик, нукуслик, қўнғиротлик ўқувчилар эса ўз диёрларига қайтишди, яна шунча ўғил-қизларимиз дам олиб, гўзал водийда сайр этиш, Фарғона оромгоҳларини, Марғилон зиёратгоҳларини зиёрат қилиш ниятида бу ерга келдилар.

Ҳар бир юртдошимиз бориб кўришни ва шифо олишни истайдиган машҳур «Чимён» сиҳатгоҳи бу йил асосан Оролбўйи аёлларига хизмат қилмоқда, бу ерда тўрт юз нафар оналар ўз саломатлигини тиклайди. Яна уч юз эллик нафар аёл эса Тошкент ва Самарқанддаги сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқаришади.

Бундан ташқари, ҳозир ҳар куни республикамиз вилоятлари хоразмлик, қорақалпоғистонлик ёру дўстларимизга қўлидан келган барча ёрдамни беминнат қилаётир...

Қачон шундай бўлган ўзи?

Яна қулоғимга чалинаётган гаплар ўйларимни бўлиб юборади...

— Биздай оналарнинг, болаларимизнинг бошини силаб, қилинган бул яхшиликка не деб жавоб берамиз, раҳмат десак, оз. Минг раҳмат, десак, яна оз!..

— Президентимиздан миннатдормиз. Ташаккуримизни у кишига қандай етказишни билмай турибмиз. Илоё, халқимизнинг бахтига, биз, аёлларнинг, болаларимизнинг бахтига ҳамиша омон бўлсинлар!

5.

Эртаси куни тонг саҳарда Тошкент денгизи сари йўл олдик. Албатта, сув тақчиллиги денгиз бўйида ҳам сезилмасдан қолмаган, сув одатдагидан кам, лекин денгиз атрофида жойлашган болалар оромгоҳлари ҳар қачонгидан гавжум, ҳар қачонгидан файзли, том маънода ҳаёт қайнайди бу ерда. Сердарахт, салқин хиёбонларда бир-бирини қувиб, ўйнаб-кулиб юрган шўх-шодон болаларни кўриб, бахтиёрлик дегани шу бўлса керак-да, деб ўйлайман.

Ҳа, биз ҳам бола бўлганмиз, отамиз қатағонга гирифтор этилгач, хўрлик ва зорликдан бошимиз чиқмай, болалик нима — билмай ўсганмиз. Ўша пайтда ҳам давлат бўлган, лекин ҳеч ким биз ҳақимизда ўйлаган эмас, зиғирча ғамхўрлик кўрсатган эмас. Агар, рўйрост айтадиган бўлсак, давлатнинг ўзи бизнинг бошимизга етимлик, хорлик кулфатларини ёғдирган.

Мана, бугун болаларимизга озодлик нималар бермоқда!..

Чим тўшалган майдонда тўп тепаётган, бир четда, дарахтлар соясида шахматшашка ўйнаётган, давра олиб ашула айтаётган ўғил-қизларга ҳавас билан термуламан. Худога шукр, биз кўрмаганни болаларимиз кўряпти! — дейман...

Аслида шунинг, ўз болаларини оқ ювиб, оқ тараётган Она Ватан меҳру муҳаббатининг тирик гувоҳи бўлиб турибман-ку!..

Бўстонлиқ ва Оқтошдаги, Тошкент денгизи бўйидаги оромгоҳларда болалар учун яратилган шарт-шароит ҳавас қилгуликдир. Улар она табиат оғушида ором олишдан ташқари самимий меҳр-муҳаббатга ҳам қонаётгани кишини хурсанд этади.

Касаба уюшмалари вакилининг айтишича, бу савобли иш ноябрнинг бошларигача давом этади ва йигирма мингдан зиёд болалар энг замонавий оромгоҳларда ҳордиқ чиқаради, тўрт мингдан ортиқ аёллар барча қулайликларга эга сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклайдилар.

Тошкент денгизидан қайтар эканман, гўё қандайдир тиниқ бир куй таралаётгандек бўлиб туюлди менга. Бу куй менинг руҳимни аллалар, келажакка, фарзандларим, набираларим тақдирига тоғдек таянч сезар эдим.

Бу — нима, халқимизнинг бир-бирига меҳр-оқибатими? Юртбошимизнинг ҳимматими? Ватанимизнинг ўз дилбандларига меҳр-муҳаббатими?

Ҳамма, ҳаммаси...

10 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан

"Халқ сўзи" ва "Народное слово"

газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

Буюртмалар шу йилнинг 25 августигача қабул қилинади.

136-09-25, 132-10-63.

ҚЎША ҚАРИНГЛАР!

Истиқлолимизнинг қутлуғ 10 йиллик байрами арафасида Навоийда оилалар сони яна 15 тага кўпайди. Шаҳардаги "Сўғдиёна" ўйингоҳида кам таъминланган оила фарзандларининг бахт тўйи кенг нишонланди. Унда сўзга чиққанлар келин-куёвларни мустаҳкам оила қуришга, ширин турмуш кечиришга, соғлом фарзандлар тарбиялашга чақирдилар.

Тадбирда ёш келин-куёвларга никоҳ гувоҳномалари топширилди. Вилоят ҳокими Ғ.Дилов уларга эсдалик совғалари тақдим этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Фармонов дилрабо қўшиқлари билан даврага файз киритди.

Ёркул УМАР (ЎзА).

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —

«ҒАЛЛАБАНК»

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган азиз ҳамюртлар!

Оролбўйида сув танқислигини бошидан кечираётган сиз азизларга моддий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида акциядорлик тижорат «Ғаллабанк» 2 ой муддатли махсус «ЖАЙХУН» омонат турини жорий этганлигини маълум қилади.

Сиз мазкур жамғармага 200000 (икки юз минг) сўмгача маблағ қўйиб, йиллик 60 фоиз миқдорида даромад олишингиз мумкин.

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Омонатларингиз бўйича маълумотлар сир сақланиши, маблағларингиз ва даромадларингизни ўз вақтида олишингиз кафолатланади.

Қўшимча маълумотларни банкнинг барча филиал ва бўлимларидан олишингиз мумкин.

Банк бошқаруви.

4567

Специализированное ремонтное управление «УЗКОММУНТЕПЛОЭНЕРГОРЕМОНТ», ныне преобразованное в ОАО «ЎЗКОММУНИССИҚЛИКТАЪМИР»,

ГОТОВЬСЯ К ЗИМЕ ЛЕТОМ!

производит КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ водогрейных и паровых котлов и котельно-вспомогательного оборудования,

в том числе ИЗГОТАВЛИВАЕТ бытовые водогрейные котлы с использованием различных видов топлива.

Все виды работ производятся из собственного материала ОАО «Ўзкоммуниссиқликтаъмир».

Наш адрес: 700206, г.Ташкент, массив Юнусабад, квартал-17, дом-18.
Телефоны: 22-91-32, 22-87-57, факс 22-87-57.

4531

ЭЪЛОН!

«Косон ёғ-экстракция» ОҲЖ ҳиссадорлари диққатига!

2001 йил 24 август куни соат 16.00да корхона мажлислар залида навбатдан ташқари умумий йиғилиш бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли қарорига мувофиқ акциялар улушларини қайта тақсимлаш тўғрисида.
2. Жамият устав фондини қайта кўриб чиқиш.
3. Жамиятнинг янги эмиссия рисоласини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Жамият кузатув кенгаши.

4598

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз, азизларга 2001 йил 9 сентябрга белгиланган аукцион савдоси 12 сентябр кунига кўчирилганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 1362626, 1362875

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик, Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирининг собиқ муовини Мирсолиҳ САИДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Миннатдорчилик

Бунда инсон қадри баланд

Маълумки, бу йил Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг шимолий ҳудудларида сув танқислиги ва экология бузилиши кузатилди. Ана шундай шароитда Оролбўйи минтақаси меҳнаткашларини, хусусан, минг-минглаб болаларимиз ва аёлларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини тиклашга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, уларнинг юртимиздаги энг гўзал, баҳаво оромгоҳлар ва сиҳатгоҳларда дам олиб, даволанишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Биз — Оролбўйи минтақасида яшовчи 400 га яқин аёл махсус поездда бепул йўлланмалар билан Тошкентга етиб келганимизда, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва санаторийлар раҳбарлари худди туғишган опа-сингилларидай самимий кутиб олишди. Бундан бошимиз осмонга етди. Сўнгра 35 нафар аёл махсус автобусда «Чинобод» сиҳатгоҳига бориб жойлашдик.

Сиҳатгоҳнинг сўлим, мафтункор манзарларидан, шифокорлар ва хизматчиларнинг хушмуомалалигидан, даволанувчиларга эътиборидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Ётоқхоналарнинг шинамлиги ва озодалигидан, муолажаларнинг белгиланган вақтда юқори савияда ўтказилишидан қувондик. Ҳар куни намойиш этилаётган қизиқарли кинофильмлар, концертлар, маданий-маънавий кечалар, таниқли шоир-ёзувчилар билан учрашувлар, айниқса, соҳибқирон Амир Темур музейи ва бошқа тарихий жойларга қилган сафарларимиз бизда катта таассурот қолдирди.

Бундай шароит ва имконият яратиб беришгани учун ҳукуматимизга, шунингдек, сиҳатгоҳ ходимларига самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Даволанувчилар номидан:
Айсара АБДУЖАЛИЕВА,
Кегайли қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.
Ағилаш ЖОЛДИБЕКОВА,
Тахтакўпир туманидаги «Мулк» жамоа хўжалиги аъзоси.
Жами 37 имзо.

Эътироф

Толеимдан ўргилай

Яқинда таҳририятимизга Сирдарё шаҳридаги 5-касб-ҳунар коллежи талабаси Озода Охуновадан мактуб келди. Биз уни ўқиб беҳад шодландик ва қувончимизни сизга ҳам илиндик. Гап нимадалигини билмоқчи бўлсангиз, марҳамат, Озоданинг дил сўзларини ўқинг.

— Бундан беш ойча муқаддам Бахт шаҳрида ажойиб ишга қўл урилди. Аниқроғи, «Президент асарларини ўрганамиз» мавзуида илк бор «Энг фаол ёш китобхон» кўрик-танлови ўтказилди. Уни вилоят болалар кутубхонаси, Сирдарё ва Сайхунобод туманлари халқ таълими бўлимлари, шаҳримизда чиқадиган «Бахтнома» газетаси таҳририяти ҳамкорликда уюштирди. Ҳомийликни Фидокорлар миллий демократик партиясининг туман кенгаши ва «Зилола» хусусий кичик корхонаси ўз зиммасига олди.

Кўрик-танлов Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди. Мен беллашувда фаол қатнашиб, унинг дастлабки ғолибаси бўлдим. Эвазига қимматбаҳо гилам билан тақдирландим. Мактабимиз кутубхонаси эса юзта сара китоб ҳисобига бойиди. Булардан ҳам муҳимроғи — мен ёшларнинг доимий ғамхўри, меҳрибон бобожонимиз Ислом Каримовнинг ўз дастхати битилган «Маънавий юксалиш йўлида» асарини олиш бахтига муяссар бўлдим. Юртбошимизнинг «Азиз болажонимга катта умид ва ишонч билан» деган сўзлари мени эзгу ишларга илҳомлантириб турибди. Китоб эса, шубҳасиз, ғоят қадрли, энг азиз эсдалик бўлиб қолади.

Туманимизда бошланган ташаббус бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёйди. «Энг фаол ёш китобхон» кўрик-танловини ўтказиш шаҳар-қишлоқларимизда жойлашган мактаб, лицей ва коллежларда, болалар кутубхоналарида анъанага айланди. Айни пайтда унинг вилоятлар бўйича ўтказилган учинчи босқичи ҳам поёнига етди. Ғолиблар ҳадемай Тошкент шаҳрида бўладиган якуний кўрик-танловда ўз билим-маҳоратларини намойиш этиш учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Унда мен ҳам иштирок этаман. Насиб этса, албатта, ғолиблар сафидан ўрин оламан.

Суратда: «Президент асарларини ўрганамиз» мавзуидаги «Энг фаол ёш китобхон» вилоят кўрик-танловининг ғолибаси — Сирдарё шаҳридаги 5-касб-ҳунар мактаби талабаси Озода Охунова.

Худойберди ЗУЛФИҚОРОВ олган сурат.

Газетхон илҳоми

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Мен сени севаман, Ўзбекистоним,
Сен асли жаннатсан, гуллаган баҳор.
Эй, мустақил юртим, эрк бердинг менга,
Ягона Ватансан ўзинг, бетакрор.

Болалик йилларим бошимни қўйиб,
Бахмал қучоғингда етдим вояга.
Жоним фидо бўлсин эл-юртим учун,
Ўзга Ватаним йўқ бу кенг дунёда.

Отам ҳам Онамсан, ягона ўзинг,
Бу ёруғ оламда ўзингсан паноҳ.
Жонажон юртимга куч-қувват бергин,
Барчани яратган қудратли Оллоҳ!

Сенинг фарзандингман, эй, она юртим,
Сен билан ҳамнафас дилим, иймоним.
Ёмон нафаслардан асрасин ўзи,
Келажаги буюк Ўзбекистоним.

Абажон ШИРИЕВ.
Бўстон шаҳри.

МАКТУБ — КЎНГИЛ ОЙНАСИ

Таҳририятга хат

Биз яқин-яқингача пўлат қувурлар орқали оқиб келадиган тоза ичимлик сувдан фойдаланиб, ўз эҳтиёжимизни қондирардик. Афсуски, сўнгги икки-уч йилда бундай имкониятдан маҳрум бўлиб қолдик. Сабаби кўпчиликка яхши аён: биздан юқорида жойлашган «Чаноқ» маҳалласидаги элликдан ортиқ хонадон эгалари ўз ҳовлиларида сиғими 15-20 тонналик ҳовузлар қазиб, таг-туги билан бетонлаштирганлар. Бундан мақсадлари — ўша ҳовузларни сувга тўлдириб, ҳар машинасини 500-600 сўмдан пуллашдир.

«Хўжагузар» — сувга зор

Шу тариқа «чаноқ»лик сувфурушлар ўзгалар насибасини қийиб, қишинёзин мўмай даромад ортиришади. Биз эса уларнинг касрига қолиб, ташналик азобини тортишга мажбурмиз. Бу ҳақда туман ҳокимлигига, «Сувоқава» идораси раҳбарлигига такрор-такрор арз қилдик. Лекин фойдаси бўлмади. Ана шундай бир пайтда маҳалла фуқаролар йиғини раиси бизнинг манфаатимиз учун елиб-югурмаяпти. Масалан, кўчамизга ётқизиш учун келтирилган бир километрдан зиёд сув қувурини яқинда «ҳокимликдан айтишди», деган баҳонада қўшни маҳаллага ва «Олтин хўроз» ошхонасига бериб юборди. Бир қисмини эса ўзиникига олиб кетди.

Ўйлаймизки, сизлар бизнинг арз-додимизни газета орқали туман раҳбарларига етказасизлар.

Умид билан, Ғузор шаҳридаги «Хўжагузар» маҳалласи аҳли номидан:

Ширинбой АБДУЛЛАЕВ, Олим ҒАФФОРОВ, Эргаш ДЎСТЁРОВ, Ўроқ ҚУРБОНОВ ва бошқалар (жами 16 имзо).

ҲИКМАТ

Эшитмай десанг
ахир эл қарғишин,
Мудом яхшилик
айла, ол олқишин.

Дадам бозордан қайтдилар...

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

Мулоҳаза

Журналист сувоқчи эмас

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини ҳақли равишда «тўртинчи ҳокимият» дейишади. Радио ва телевидениеда, газета-журналлар таҳририятларида ана шу номни улуғлашга, ўз ижоди билан эл-юрт манфаати, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишга интилаётган журналистлар кўп. Бироқ, «Ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, ҳануз эскича услубда иш юритаётганлар, журналистикани тирикчилик воситасига айлантириб олиб, ҳамкасблари шаънига доғ тушираётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шунинг оқибатида аксарият мақолаларнинг, эшиттириш ва кўрсатувларнинг ғоявий-бадиий савияси паст. Таъбир жоиз бўлса, пашшадан фил ясаш учун зўр бериб уринишлар авжида. Боз устига, қўпчилик муаллифлар ўзлари кўтариб чиқаётган мавзунинг маъно-моҳиятини яхши билмайдилар ёки билсалар ҳам ичичига чуқур кириб бормайдилар. Муаммоларни, камчилик-нуқсонларни рўй-рост кўрсатиш, уларни ҳал этиш юзасидан жўяли таклиф-мулоҳазалар билдириш ўрнига меъдага тегадиган жимжимадор сўзлар, дилрабо оҳанглар, хушманзара тасвирлар воситасида хаспўшлаб кетадилар.

Мен, айниқса, ёш ижодкорларнинг қилиғидан ҳайрон қоламан. Улар кунда-кунора микрофон олдига ёки телекамера қаршисига ўтириб олиб, алмойи-жалмойи гапларни айтишади. Гоҳ мусиқага, гоҳ қўшиққа навбат бериб, ҳаёт, турмуш ҳақида қуруқ сафсата сотишади. Ҳатто, отаси-бобоси тенги одамларга қандай яшаб, қандай ишлаш лозимлиги хусусида ақл ўргатишади. Энсангизни қотириб панд-насиҳат ўқишади.

Ҳолбуки, бугунги муштарий, тингловчи ва томошабиннинг ақл-фаросати ёш бошловчилар ўйлаганчалик ҳаминқадар эмас. Хоҳ, деҳқон ёки чорвадор, хоҳ, талаба ёки олим, хоҳ, тижоратчи ёки ҳунарманд бўлсин, барчасининг ўзига яраша эс-ҳуши, орзу-ҳаваси, ғам-ташвиши бор. Фаҳми ожизимча, тўртинчи ҳокимият вакиллари худди ана шуларни ёритишлари лозим. Омма олдида ҳар бир сўзни минг ўйлаб, бир айтиш шарт. Лекин зинҳор-базинҳор ростга ёлғон аралаштириб сувоқчилик қилмаслик керак. Негаки, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Ноўрин мақтов ҳеч қачон, ҳеч кимга наф келтирмайди.

Жўравой ШОДИЕВ.
Оҳангарон.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«Қўйлиқнинг ер ости бозори»

«Халқ сўзи»нинг шу йил 20 июн сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилиниб, унда пойтахтдаги Қўйлиқ кийим-кечак ва деҳқон бозорларини боғлайдиган ер ости пиёдалар йўлида сифатсиз маҳсулотлар билан ноқонуний савдо-сотиқ қилинаётганлиги, бу ердаги тартибсизликлар танқид остига олинган эди.

Таҳририятга ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлигидан жавоб мактуби келди. Туман ҳокими Ш.Ҳикматовнинг хабар беришича, «Қўйлиқнинг ер ости бозори» мақоласи Бектемир туман ҳокимлигида тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилган. Танқидий мақолада келтирилган ҳолат исботини топган.

Ҳозирги кунда ушбу мақолада акс эттирилган камчиликлар бартараф этилди ва зарурий тадбирлар белгиланиб, ер ости йўли ҳамда унинг кириш ва чиқиш жойларида тартиб-интизом доимий назоратга олинди.

Журналист суриштируви

ИККИ «БАРАКА» МОЖАРОСИ

ёхуд «Даъвогар суст келса, қози муттаҳам бўлади», деган нақлнинг янгича талқини

Тасаввур қилинг: сиз ўз уйингиздасиз. Тирикчилик юмушлари ила бандсиз. Кутилмаганда етти ёт бегона одам ҳовлингизга бостириб кириб, дабдурустдан "Манави бинолар меники, ҳозироқ бўшатиб беришингиз шарт!" деса, нима қиласиз? Шубҳасиз, беармон куласиз. Нари борса, "Бунақа бемаъни ҳазилни қўйинг. Замона зўрники, томоша кўрники бўлган даврлар аллақачоноқ ўтиб кетган, биродар!" дея кесатасиз. Борди-ю, чақирилмаган меҳмон шунда ҳам бўш келмаса, сўзининг тасдиғи сифатида суд қарорини кўрсатса-чи, додингизни кимга айтасиз? Менимча, ўз томорқангизда ўз қўлингиз, ўз меҳнатингиз ва ўз маблағингиз эвазига қурилган иморатингиз ўзингизники эканлигини исботлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этасиз. Бироқ баъзида ҳаммага аён ҳақиқатни қайта юзага чиқаргунча қанчадан-қанча қимматли вақтингизни, ҳалол пешона терингиз эвазига топган пулингизни шамолга совурасиз. Энг ачинарлиси, асабларингиз чақнаб, бебаҳо бойлигингиз — соғлигингизни бой берасиз. Ургутлик Мейлиевлар бошидан кечган ҳангомалар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Можаронинг мухтасар тафсилоти қуйидагича: юртимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳамоно ака-ука Муродқул ва Раҳматқул хайрли ишга қўл урадилар. Ёнма-ён жойлашган шахсий томорқаларидан 11 сотих ер ажратиб, тамакини ферментациялаш (бижғитиш) цехи қуришга киришадилар. Кейинчалик ихчам ҳажмли бинокорлик ашёлари тайёрлайдиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган чиклик корхона очишга аҳд қиладилар. Уни рамзий маънода "Барака" дея атайдилар. Ишни жадаллаштириш умидида қариндош-уруғларини ва ҳамкорлик қилиш истагида бўлганларни ҳиссадорликка жалб этадилар.

Кўп ўтмай корхонанинг низоми ва таъсис шартномаси ишлаб чиқилади. Низом жамғармаси 640 минг сўм миқдорида белгиланади. Шундан олти юз минг сўмини Самарқанд сув иншоотлари қурилиши трестининг 1-механизациялашган кўчма жамланмаси, қолганини тенгма-тенг улушда Муродқул ва Жўрақул Мейлиевлар, Худойберди Ҳамроев, Норим Эсиргапов қўшиши кўрсатилади. Шартнома таъсисчиларнинг 1992 йил 7 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида тасдиқланади. Корхона туман ҳокимининг ўша йил 2 декабрдаги 193-К сонли қарори билан давлат рўйхатига олинади. Бироқ кўчма жамланма мажбуриятини бажармайди. Аниқроғи, ҳеч қандай маблағ ажратмайди. Жамоа фаолиятини унинг ишгирокисиз давом эттиради. Биринчи навбатда чала-ярим ҳолдаги цех қурилишини ниҳоясига етказиш тараддудини кўради. Шу илинжда 26 кишидан иборат алоҳида бригада тузади. Бундан ташқари, туман Мудофаа бўлимининг муқобил хизмати билан ўзаро келишиб, 11 нафар йигитни 18 ой муддатга ишга қабул қилади. Ёлланганларнинг барчасига меҳнат ҳақини вақтида тўлайди. Цехни ўз маблағи ва таъсисчилар сармояси ҳисобига тиклайди. Қурилиш ашёлари ва жиҳозларини пул кўчириш воситасида сотиб олади. Айни чоғда молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор қаратади. Кўчма жамланмага 110 минг сўм ўтказиб, битта экскаваторни ижарага олади. Унинг ёрдамида турли хўжаликларнинг ариқ-зовурларини тозалаб беради. Сирасини айтганда, пул топади.

Цех 1993 йилдан эътиборан тўла қувват билан ишлай бошлайди. Ён-атрофида аста-секин идора, ошхона, дам олиш хонаси, юк бўлмаси, омборхона, қозонхона, минора, бостирма, дўкон қад ростлайди. Ҳовлиси кўкаламзорлаштирилиб, ҳовуз қазилади. Давлат олдидаги бюджет тўловлари мунтазам амалга оширилади.

Жамоанинг 1999 йил 15 январ кунги йиғилиши кун тартибига муҳим масала киритилади. Шартномага риоя этмагани туфайли 1-МКЖ ҳамда Х. Ҳамроев таъсисчилар сафидан чиқарилади. Янги қарорга мувофиқ, корхонанинг низом жамғармаси 482930 сўм қилиб белгиланади. Унга ўн икки киши турли миқдорда ҳисса қўшади. 'Барака" такроран рўйхатдан ўтказилади.

Баайни ўша кезлар Самарқандда ажабтовур воқеа рўй беради. Шаҳардаги "Барака" хусусий фирмаси раҳбарияти "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир" қабилида иш юритади. Юқорида тилга олинган иншоотлар гўёки ўзига тегишли эканлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тўплайди. Вилоят хўжалик судига арзнома битиб, цехга эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаб беришини сўрайди. Унинг даъвоси-ю тақдим этган маълумотларига қараганда, Самарқанд сув иншоотлари қурилиши трести 1993 йили Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига Ургут туманида тамакини ферментациялаш цехи қурилиши учун капитал маблағ ажратиш масаласини ҳал этишни сўраб мурожаат қилади. "Самтаъмирсув" ишлаб чиқариш бирлашмасининг техник кенгаши корхонани 1-МКЖ кучи билан барпо этиш хусусида қарор чиқаради. Аммо маблағ ажратилмагани сабабли кўчма жамланма "Барака" хусусий фирмаси ила шартнома имзолайди. Фирманинг гарданига бунёдкорлик юмушлари учун ҳақ тўлаш ва қурилишни охирига етказиш вазифаси юклатилади. Бино битгач, кўчма жамланма уни 1995 йилнинг августида фирмага расмийлаштириб беради. Шу вақтдан эътиборан мазкур иморатлар фирма балансига ўтади, тамом-вассалом. Фақат биттагина "лекин"и бор — мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи васиқа мавжуд эмас!

Фирма директорининг ҳоюҳаваслари, қандай хомхаёлларга боргани ўз йўлига. Бизни кўпроқ вилоят хўжалик судининг судьяси Т. Гусейнованинг таваккалчилиги таажжублантиради. У низони кўриб чиқишда гардкамига йўл тутади. Таъбир жоиз бўлса, эски "хато"ни, "Бор, барака!" деганларидек, орқаваротдан қўйилмақомчасига "тўғрилайди". Инчунин, судга иш бўйича жавобгар — 1-МКЖ вакилини чақирмайди. Ҳужжатлардаги мавҳумлик ва чалкашликларни холис баҳолаб, муаммога ҳуқуқий нуқтаи назардан ойдинлик киритмайди. Лоақал цехнинг кўчма жамланма томонидан хусусий фирмага тортиқ қилиниши қонунга мувофиқ келиши ёки келмаслигини текшириб ҳам ўтирмайди. Негадир яккаш даъвогарнинг важларигагина ишонади. 2000 йил 24 апрел куни унинг даъвосини қаноатлантириш юзасидан ноқонуний ва асоссиз ҳал қилув қарори чиқаради. Унга мантиқан ёндошсак, халқнинг азалдан барчага маълуму машҳур нақлини "Даъвогар "устомон" келса, қози унга гиргиттон бўлади" тарзида ўзгартиришдан ўзга чора қолмайди.

Бундай дейишимнинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, цех, талабгор зўр бериб таъкидлаганидек, Самарқанд сув иншоотлари қурилиши трестига қарашли ҳудудда эмас, акаука Мейлиевларнинг 20 йиллик томорқаларида жойлашган. Пойдеворига 1994 йилда эмас, тўқсонинчи йиллар арафасида илк ғишт қўйилган. Қолаверса, у 1995 йилда эмас, 1993 йилда ишга туширилган. Бу пайтда "Барака" фирмаси ҳали очилмаганди. Бинобарин, қурилишга ҳисса қўшиши асло мумкин эмасди.

Иккинчидан, даъвогар иншоотга маблағ сарфлаганини исботлаш ниятида пудрат шартномасини рўкач қилган. Суд талабни қондиришда унга бош далиллардан бири сифатида қараган. Ҳолбуки, пудрат шартномаси ўз ҳолича мулкка эгалик ҳуқуқини белгилашга асос бўлолмайди. Бунинг учун қурилишга ер майдони ажратилгани тўғрисидаги давлат акти, смета ҳужжатлари лойиҳаси ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиши шарт.

Учинчидан, кўчма жамланма цехни барпо этишда қатнашган тақдирда ҳам пудратчи вазифасини ўтаган бўлиб чиқади. Бердисини айтсак, у давлат ташкилоти ҳисобланади. Шу боис тасарруфидаги мулкни ўз билгича хусусий фирмага ўтказиб бериш ваколатига эга эмас. Негаки, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 февралдаги 57-қарорига кўра, давлат мулки ҳисобланмиш иншоотлар республика Давлат мулки қўмитаси томонидан бошқарилади. Демакки, уларни сотиш билан боғлиқ масалани фақат мазкур қўмита ёхуд унинг жойлардаги ҳудудий идоралари ҳал этишлари мумкин.

Тўртинчидан, Т. Гусейнова низоли цехни шу вақтга қадар амалда кимлар бошқариб келганига мутлақо қизиқмаган, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тингламаган. Ишни бирёқлама кўриб, янглиш хулоса чиқарган. Ана, оқибати: "Барака" кичик корхонаси аҳли суд қароридан орадан анча ўтгач, уларнинг эътирозномалари "Сизларнинг бу ишга дахлингиз йўқ," деган баҳонада қабул қилинмайди. Қарабсизки, иш ўрнини гап, яратувчанлик ўрнини ҳақ-ҳуқуқ талашиш эгаллайди. Ўзаро сан-ману даҳанаки жанглар авж олади. Корхона аҳли ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради. Ортиқча алам-изтироб тортишлар ва асабийлашишлар охир-оқибат ўз асоратини қолдиради. Муродқул хасталикка чалинади. Ойлаб даволанади. Барибир бўлмайди, у айни куч-қувватга тўлган қирчиллама ёшида ҳассага таянади. Шу аҳволида ҳам тиниб-тинчимайди. Оиласи ва корхонаси шаънини ҳимоя қилишларини сўраб, вилоят ва республика миқёсидаги идораларга зир қатнайди. Таҳририятимизга келиб, дардини сўйлайди.

Пировардида, мақсадига эришади. 2001 йил 16 февралда иш Олий хўжалик судида кассация тартибида кўрилади. Бутун бошли хонадон соҳибларининг азият чекишларига сабабчи бўлган ҳал қилув қарори бекор қилинади. Хусусий фирманинг ушбу мулкка эгалик ҳуқуқи рад этилади. Шундан сўнг Ургут тумани ҳокимлиги ҳамда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси вакиллари ҳамда мутахассисларидан тасодифан хабар топади. Шу асно уларни иш жойларидан мажбуран кўчиришга, ўн уч жондан иборат ака-ука Мейлиевлар оиласини яшаб турган ҳовлиларидан мосуво этишга уринишлар бўлади. Табиийки, жамоа аъзолари ноўрин зўравонликка нисбатан қатъий норозилик билдиришади. Бироқ иборат гуруҳ масалани жойига чиқиб ўрганади. Текшириш натижаларига кўра, цехни ҳақиқатан ҳам кичик корхона ўз маблағи ва таъсисчилар сармояси ҳисобига бундан 8 йил бурун бунёд этгани, унинг қонуний соҳиби эканлиги яна бир карра эътироф этилади.

Кўрдингизми, битта адолат пешвосининг палапартиш иш юритиши жамиятга қанчадан-қанча ташвиш келтирди. Одамларни не-не оворагарчиликларга дучор қилди. Модомики, шундай экан, унга бирон-бир жиддий чора кўрилдими? Йўл қўйилган хатолар тегишли доираларда атрофлича муҳокама қилиндими? Камчиликлардан қатъий сабоқ чиқариб олиндими? Акс ҳолда, эрта — бир кун яна қайсидир ҳуқуқ ҳимоячисининг шошма-шошарлиги, ўз бурчига совуққонлиги оқибатида бошқа бировнинг бошига ҳам худди шундай савдолар тушмаслигига ким кафолат бера олади? Бу аслида эзгу ниятли кишиларнинг раъйини қайтариш, ишбилармонлар оёғига зиддан болта уриш, ташаббускорликни сўндириш эмасми? Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида Юртбошимизнинг шу каби ҳолатлар ҳақида айтган гаплари фикримизга далил эмасми? Ва ниҳоят, сўнгги мулоҳаза: эҳтимол, вақти-соати етиб корхона кўрган зарарнинг ўрни қопланар. Эҳтимол, ҳақиқатга эришиш йўлидаги машаққатлар унут бўлар. Лекин кишилар қалбига етказилган озор, маънавий зарар, самарасиз ўтган умрлар-чи? Уларни ҳаргиз ортга қайтариб, жилла қурса, ўрнини тўлдириб бўладими?..

Афсус, бу янглиғ саволларга ижобий жавоб беришга эл қатори биз ҳам ожизмиз...

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2615. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Зоҳир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев.
Навбатчи — М. Норматов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 21.45 1 2 3 4 5 6